



YOSHLAR OVOZI

№41 (16346) 2019-YIL 22-MAY, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

Saytning 1925-yildan beri O'zbekiston telekommunikatsiya tashkiloti tomonidan nashr etilishi taqdim etilgan.

УЧТЕПА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Аввал хабар қилинганидек, Учтепа туманида Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида амалий ишлар бошланиб кетди.

18 май куни эрта тонгда "Биз соғлом оила тарафдоримиз" шиори остида ёшлар марафонига старт берилди. Марафон иштирокчиларини янги қурилган "Эко бог"да учтепалик санъаткор ёшлар куй-қўшиқлар билан қарши олди. Шу куни туманга китоблар, спорт, муסיқа анжонлари, компьютер тўпламларини ўзида жамлаган "Маърифат карвони" етиб келди.



Давоми 3-саҳифада

Учтепада 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган 93 минг 921 нафар ўғил-қиз истиқомат қилади



Mediator

Худойберди бобо ўқувчилар даврасида



Ёшлар медиа маркази Учтепага медиатур уюштирди. Айни пайтда тумандаги мактабларда спорт, санъат ва китобхонлик йўналишларида мусобақалар ўтказилмоқда. Медиатур иштирокчилари — таниқли санъаткор ва адиблар "Ёш китобхон" танловининг устидан чиқди. Ғолибларга китоблар жамланмаси ҳаля этилди. Миллий гвардия ҳарбий техника институти оркестри иштирокидаги кўргазмали чиқишлар барчага манзур бўлди.

123-мактабда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ўқувчилар билан учрашиб, сеvimли китобхонлари билан дилдан суҳбатлашди. Ўғил-қизлар Худойберди бобога кизиқишлари, орзулари ҳақида сўзлаб берди. Мактабда бошлангич синфлар учун қўшимча компьютер сабоқлари ўтилатгани, хаваскор кўғирчоқ театри очилгани меҳмонлар эътиборини тортди. Бундай учрашувлар 228-, 203-мактабларда ҳам ўтказилди.

Yuksalish



ЖАҲОН СИЁСИЙ ЭЛИТАСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Юртимиз Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирувчиларининг навбатдаги форумига анжуманда ўттиздан зиёд мамлакатдан келган таниқли давлат арбоблари, қуқумат, бизнес, илмий ва таҳлилий марказлар вакиллари, журналистлар иштирок этди. Уларнинг барчаси турли йилларда МДХМИда таълим олган.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти нафақат Россия, балки жаҳонда тан олинган нуфузли олий таълим муассасаси саналади. 75 йилдан буён мазкур даргоҳ ташки сийёсат, ҳуқуқ, молия, иқтисодий бошқарув бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаб келмоқда. Шу кунгача институтни 34 мингдан зиёд талаба тамомлаган. Уларнинг 400 нафари ўзбекистонлик.

МДХМИга қабул қилинган биринчи ўзбек фарзанди файласуф олим, уруш фахрийси Қўчқор Хонназаров эди. Машҳур битирувчилар сирасида яна икки нафар ватандошимиз, айни вақтда Россия Федерациясида фаолият кўрсатаётган йирик тадбиркорлар — "USM Holding" компанияси асосчиси Алишер Усмонов ҳамда Евроосиё банки директорлар кенгаши аъзоси, "Eurasian Resources Group" компанияси мулкдорларидан бири Фаттох Шодиев ҳам бор.

17 март куни Тошкентга етиб келган халқаро форум иштирокчилари учун дастлаб маданий тадбирлар ўтказилди. Меҳмонлар Тасвирий санъат галереясида бўлиб, И.В.Савицкий номидаги Қоракалпоқ давлат санъат музейининг кўчма экспозицияси билан танишди. Сўнгра кўхна Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

(Давоми 2-саҳифада.)

Prezident tashabbuslari — amalda

Бир туманда беш хил манзара

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш мақсадида Эллиқалъа туманидаги Санъат саройида "Истеъдодларни излаимиз" шиори остида фестиваль ўтказилди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши бош бўлган лойиҳага минг нафардан зиёд йигит-қиз қамраб олинди.

Мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр санъати бўйича турли танловлар ташкил этилиб, юзлаб ўқувчиларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўмак берилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби меzonлик қилган мусобақаларда 200 нафардан ортик тенгдошимиз қатнашди. Бўстон ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида китобхонлик танлови ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасига 300 нафар хотин-қиз жалб қилиниб, улар аёллар кўли билан яратилган хунармандлик маҳсулотларни кўргазмасида иштирок этиш имконига ҳам эга бўлди.



Фестиваль доирасидаги танлов ҳамда беллашуларда ғолиб чиққан ёшлар ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Озода РЎЗИМОВА

Aksiya

Йўқ жойдан 3 мингта китоб

Қоракалпоғистонда "Ҳар бир ёшдан бир китоб" акцияси эълон қилинди. Унинг доирасида Нукус шаҳридаги Ёшлар марказига олис-яқин туманлардан турфа адабиётлар етказилмоқда. Хайрли ишга биринчи бўлиб Қоракалпоғистон Республикаси касб-хунар бошқармаси 300 та китоб билан ўз хиссасини қўшди. Икки соатдан кейин бундай тухфаларнинг салмоғи 3 мингдан ошди. Шундан 1 минг 200 таси Мўйнок туманига жўнатилди. Акция давомида ҳаммаси бўлиб 15 мингта яқин китоб тўплаб, жойларга тарқатиш режалаштирилган.

— Акцияни Президентимизнинг бешта та-

шаббуси доирасида ташкил этдик, — дейди Ёшлар иттифоқининг худудий кенгаши раиси ўринбосари Бийбижан Аралбаева. — Хафтаннинг жума ва шанба кунларида тарғибот ишларини олиб бораемиз. Ёшлар кутганимиздан ҳам фаол. Олиб келинаётган китоблар орасида дарсликлар, қоракалпоқ, ўзбек тилларидаги бадий асарлар, болалар учун мўлжалланган ва бошқа жанрдаги адабиётлар бор. Уларни олис кишлоқ ҳамда овулардаги тенгдошларимизга ҳам улашамиз.

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

БАЪЗИ ХУДУДЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИК ЎСГАН

Бунинг асосий сабаби оилалардаги носоғлом муҳитга бориб тақалади

► 2-саҳифада

Ozod Sharafiddinovning 90 yilligi

Илм ва жасоратда намуна

Ўзбек Миллий академик драма театрида умрини чин маънода мазмунли ўтказган инсон хотирасига бағишланган бадий кеча ўтказилди.
Озод Шарифидиновнинг 90 йиллигига бағишланган бу кечада актёрлар, ёзувчи-шоирлар, журналистлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Карим ЗАРИПОВ

Yoshlar siyosati — amalda

Солиқчи кадрлар захираси яратилмоқда

Мамлакатимиз солиқ тизими жиддий ислох қилинаётган бугунги кунда давлат солиқ хизмати учун кадрлар захирасини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.
Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, бирламчи инспекторлик лавозимларига 41 нафар ёш мутахассисни захирага олдик.

Шухрат ЙЎЛДОШЕВ, Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси қатта инспектори

ЖАҲОН СИЁСИЙ ЭЛИТАСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



— Ўзбекистонда илгари бўлмаганман, — дейди МДХМИ халқаро иқтисодий алоқалар факультети декани Олег Пичков.

Порлоқ келажак сари йўлга эса жуда машаққатли. Уни биз учун ҳеч қим босиб ўтмайди. Ўзимиз ёриб чиқарилган керак. Шу тўғрисида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларни йўлга қўйишга, ташқи сиёсий майдондаги ҳар қандай муаммони дипломатик тарзда ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда.

Москва давлат халқаро муносабатлар институтида 52 та (!) хорижий тил қаторида ўзбек тили ҳам ўқитилади.

давлат халқаро муносабатлар институтида ўқиган кезларимда ўзбекистонлик курсдошларим айнан шу хислати билан ажралиб турарди. Бугунги форумда кўпгина экспертлар Ўзбекистон иқтисодиёти, инвестициявий салоҳиятини юқори баҳолади.

Сўнгги вақтда Россия Федерацияси билан ҳамкорлигимиз худди шу тамойил асосида ривожланди. Бугун икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилган ва улар тобора мустақамлашиб бормоқда.

жуда юқори савияда ташкил қилинган Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирувчиларининг халқаро форуми фикримизни яққол тасдиқлайди.
Алежуманининг ишчи сессиялари Симпозиумлар саройида бўлиб ўтди.

75 йиллик тарихга эга Москва давлат халқаро муносабатлар институтини шу кунгача 400 нафар ҳамюртимиз тамомлаган.

босари Илс Умахонов, маданият вазири Владимир Мединский ҳамда ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Панкин ўз чиқишларида Москва давлат халқаро муносабатлар институти алақачон жаҳон брендига айланганини таъкидлади.

Ушбу муассаса битирувчилари бугунги кунда ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар сиёсий элитасининг салмоқли қисmini ташкил қилмоқда. МДХМИ битирувчиларининг халқаро форуми орқали улар нафақат диддорлашиши, балки глобал аҳамиятдаги турли масалалар юзасидан фикр алмашиши, ечим ва таклифлар бериши имкониятига ҳам эга.

Бу сафар муҳокама марказида, таниллик, Ўзбекистон ҳамда юртимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар бўлди. Масалан, инвестициявий ҳамкорлик масаласига бағишланган сессияда мамлакатимиз капитал бозори ва инвестициявий муҳити, чет эл сармояларини жалб этиш механизми, инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида агрофлича сўз юритилди.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори Анатолий Торкунов форумни ташкил этишдаги кўмаги учун Ўзбекистон ҳукуматига самимий миннатдорлик билдирилган экан, кейинги ўқув йилидан Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети базасида МДХМИнинг илк хорижий филиали очилишини мамнуният билан қайд этди.

Наргиза УМАРОВА

Tahlil va talqin

БАЪЗИ ХУДУДЛАРДА ЖИНОЯТЧИЛИК ЎСГАН Бунинг асосий сабаби оилалардаги носоглом муҳитга бориб тақалади

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимининг маълумот беришича, шу йилнинг дастлабки тўрт ойида ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 4 минг 36 марта тарғибот тадбирлари ўтказилган. Таълим муассасаларидаги ёшлар етакчилари, ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, ҳуқуқшунослар ҳамда "Фидокор ёшлар" патруль гуруҳлари иштирокидаги бундай давра суҳбати, учрашув ва очиқ мулоқотларда жами 710 минг 336 нафар ёш қатнашган.

Тадбирлар харитасига қарайдиган бўлсак, ўқув муассасаларида 2 минг 447 марта, ҳарбий қисмларда 886, маҳалла ва овулларда 421, корхона ва муассасаларда 282 марта ўтказилган. Мамлакатимизда эса биргина умумтаълим мактабларининг сони қарийб 10 мингта, маҳалла фуқаролар йиғинлари 9 мингдан зиёд.

Кўриниб турибдики, тарғибот тадбирлари барча муассаса ва ёшларни камраб ололмаган. Бунинг оқибати содир этилаётган жиноятларда акс этмоқда. Ўтган тўрт ой давомида 2 минг 650 марта ёшлар жиноятчилиги қайд этилган. Тўғри, бу рақамлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37 фоизга (2018 йилда 4 минг 206 та) камайган. Аммо ёшлар ўртасида битта бўлса ҳам жиноят содир этилар экан, бу ёш авлод таълим-тарбиясида кемтиклик бор, деганидир.

Умумий рақамлар ҳуқуқбузарликлар сони камаётганини кўрсатса-да, баъзи ҳудудларда жиноятчилик ўсган. Мисол учун, вояга етмаганлар жиноятчилиги Тошкент вилоятида 34,6 фоизга, Сурхондарё вилоятида 5,9 фоизга ортган.

Ёшлар иттифонининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Шерзод Олимовга "Бу ҳолатни қандай изохлайсиз?", деган савол билан мурожаат этдик.

— Жамиятга нисбатан норозилик кайфиятида юрадиган, ажрашган, нотинч оилаларда яшовчи ёки боқувчисини йўқотган болалар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари кўп кузатилаётганда, — деди Шерзод Олимов. — Яна бир тоифа ёшлар борки, улар тўқликка шўхлик қилиб, тунги вақтларда безорилик қилишга мойил бўлади. Умуман олганда, ўттиш давридаги ёшларнинг назоратсиз қолаётгани, қизиққонлиги муаммонинг бош омилли бўлмоқда. Айниқса, вилоятимиздаги аҳоли сони нисбатан кўп бўлган Термиз шаҳри ва Денов туманида жиноятчиликлар кўп қайд этилган. Айни пайтда бу ҳудудларда Ички ишлар бўлиmlари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан топириқлар берилган. Тахлиллар Қизилқум туманида ҳам ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йилдагига нисбатан ошганини кўрсатди. Чунки ҳудудда аҳоли пунктлари тарқоқ жойлашгани учун уларни тўқлик камраб олиш қийинчилик туғдирмоқда.

Ўтган йили Иттифонининг Марказий Кенгаши ижроия кўмитаси қарори билан жойларда ёшлар жиноятчилигини профилактика қилиш бўйича ҳар ойнинг охириги 10 кунлигида "Барчаси ўз кўлингизда" шiori остида тарғибот декадасини ўтказиш бўйича топириқ берилган эди. Унга кўра, кенг камровли режалар тузилиб, тарбияси оғир, жиноят содир этган ёшларни намунали фуқароларга бириктириш кўзда тутилганди.

— Тарғибот декадаси доирасида минглаб ёшлар қалбига қириб бордик, — дейди Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими мудири Акмал Алимов. — Ички ишлар идоралари, Миллий гвардия ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида тунги рейдлар ўтказилиб, аниқланган 3 минг 40 нафар вояга етмаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб борилди. 890 нафар




ёшни таълимга қайтаришга эришилди. Шу билан бирга, баъзи ҳудудларда кенгашларимиз фаолияти яхши йўлга қўйилмагани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Мутаасаддиларга таълим муассасаларидаги ёшлар етакчилари ва сардорлар фаолиятини кучайтириш, "Биз жиноятчиликка қаршимиз", "Ҳоким ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар", "Ёш депутат", "Сенатор ва ёшлар", "Сектор раҳбарлари ва ёшлар", "Прокурор ва ёшлар", "Суд ва ёшлар" каби мавзуларда тарғибот тадбирларини юқори савияда, мунтазам ўтказиб бориш юзасидан топириқлар берилди.

Ёшлар иттифоқи кафилигида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, ахлоқ тузайтиш ишларида жалб қилинган ёшлар билан ишлаш тизимдаги энг муҳим вазифалардан биридир. ИИБ пробация хизмати назоратидаги ёшлар муаммоларини ечиш, тақдоран жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида 2 минг 16 нафар (шундан 211 нафар аёллар) ёшлар иштирокида амалий тадбирлар ўтказилган. Уларда назоратдаги ёшларнинг 269 та муаммо ва тақлифлари ўрганиб чиқилган. Пробация хизмати, Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари, бандлик бошқармалари, ҳокимликлар томонидан 162 та муаммонинг ечими топилган, 48 нафар ёш иш билан таъминланган, 55 нафари касб-ҳунар ва чет тили тўғрисидаги жалб этилган.


Ёшлар билимининг мустақамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Фарғона, Андижон вилоятларидаги Ёшлар марказларида синов тарихида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳи хоналари ташкил этилди. Фарғона вилоятида жиноятчиликка мойил, ички ишлар органлари рўйхатида турувчи ёшларнинг электрон базаси шакллантирилиб, синов тарихида уларнинг хатти-ҳаракати онлайн кузатиб бориляпти.

Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи натижаларидан

2019 йилнинг дастлабки тўрт ойида вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятларнинг ҳудудлар кесимидаги ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма таҳлили



2019 йилнинг дастлабки тўрт ойида содир этилган ёшлар жиноятчилигининг ҳудудлар кесимидаги ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма таҳлили



қилиб чиқиб, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими ҳудудлардаги вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда масъул бўлган мутаасаддиларни декада доирасидаги тадбирларга кенгрок жалб этиш; "Ёшлар ва қонун", "Ёшлар билан ишловчи энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи" кўрик-танловларини юқори савияда ўтказиш; масъул идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида нотинч ва ноўлик оилаларда вояга етмаган ёшлар муаммолари билан мунтазам шуғулланиш юзасидан амалий таклифларни илгари сурмоқда.

Ҳасан УСМОНОВ



Қаҳрамон ҚУРАНБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчисининг
биринчи ўринбосари,
Ёшлар иттифоқи раиси:

— Бугун учтепаликлар ҳаётини тубдан ўзгартириш учун катта лойиҳалар, пухта режалар билан келдик. Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус орқали ёшларнинг бандлиги таъминланиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шароит яратилади. Қизиқиш ва интилишларига мос тўғараклар, маданият ва маърифат марказлари иш бошлайди. Туманда ўтказилаётган китоб улашиш акцияси ва ташкил этилаётган кутубхоналар ўғил-қизларда мутолаа маданиятини шакллантиради. Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларимиз қатор оилавий муаммоларга ижобий ёчим топилганда ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, беш ташаббус доирасида ёшларга биз кутгандан ҳам кўра кўпроқ имкониятлар яратиб берилган. Режалаштирилган ишлар якунланган, туманда ёш авлодининг сифатли таълим олиши учун шарт-шароитлар бутунлай ўзгаради. Энди улар бундан оқилона фойдаланса бўлди.



YUKSALISH

УЧТЕПА

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА Бу аслида тақдир тухфаси



Бошланчи 1-саҳифада

Лойиҳанинг тантанали очилиш маросими ва бошқа тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Ёшлар иттифоқи масъуллари, давлат идора ва ташкилотлари ходимлари, соҳа мутахассислари, зиёлилар, санъат усталари иштирок этди. Мутасаддилар беш ташаббуснинг мазмун-моҳияти, ҳаётимизда тутган ўрни, уни амалиётга татбиқ этиш йўллари ҳақида учтепаликларга тушунча берди.

Тадбирда ёшлар етакчиси Қаҳрамон Қуранбаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Фарҳод Маҳмудов Ёшлар иттифоқи ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган павильонлар билан таништи. Ёшларнинг китобхонликка, санъат ва маданиятга қизиқишини кучайтиришга, аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлашга қаратилган кўргазмалар иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон виртуал спорт ўйинлари ва ки-



74-мактаб

берспорт федерацияси павильони учтепалик ёшлар билан гавжум бўлди. Ёшлар етакчиси ўқувчилар киберспортга катта қизиқиш билдираётганини кузатиб, янги ташаббусни илгари сурди: спортнинг бу турини юртимиз бўйлаб кенг тарғиб этиш учун “Спорт карвони”ни йўлга қўйишни таклиф этди.

— Ёшлар иттифоқи раиси ўғил-қизларни спортнинг бу турига қизиқтириш учун ёрдам беришга тайёрлигини билдирди, — дейди Ўзбекистон виртуал спорт ўйинлари ва киберспорт федерацияси президенти Азизбек Паттахов. — Киска вақтда Иттифоқ ва федерациямиз ҳамкорликда миллий виртуал спорт ўйинларини яратишга келишиб олдик. Бундай ўйин ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кучайтиради, маънавиятига ҳам ижобий таъсир қилади.

“Эко боғ” ҳудуди бўйлаб спорт усталарининг чиқишлари, харбий оркестр ва ёш жамоаларнинг сахна кўринишлари, робототехника ва рақамли технологиялар кўргазмалари, меҳнат ярмаркалари ташкил этилди.

Тадбирда бўқалик ёшлар учтепалик тенгдошларига китоблар совға қилди. Ёшлар марфонида голиб бўлган ўғил-қизларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

“Маърифат карвони” совғаларни эгаларига топшириш учун тумандаги мактаб ва маҳаллалар сари йўл олди.



Фарҳод МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчисининг
ўринбосари:

— Учтепа туманида йиллар давомида ёшлар билан ишлаш, уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга етарлича эътибор берилмаган. Ёшларнинг таълим олиши, касб ўрганиши учун мавжуд имконият замон шиддатига жавоб бермайди. Президентимиз туманга ташрифлари чоғида мактабларнинг аҳоли, ёшларга яратилган шароитга одилона баҳо берди. Шу билан бирга, бажариладиган ишлар ҳам белгилаб берилди. Бугун туманга Президент совғаси — “Маърифат карвони” билан бирга турли соҳа мутахассислари, олимлар, адиб ва зиёлилар ҳам келди. Улар туман аҳли, жумладан, ёшларнинг орзуларини рўёбега чиқариш учун бел боғлаган.



238-мактаб

“Китоб олами” савдо мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Китоб дўконининг очилиш маросимида мутолаа инсонни камолотга чорлайдиган, зехни ўткирлайдиган, бебаҳо машғулот экани таъкидланиб, ўқувчиларга китоб совға қилинди.

12 та таълим муассасасида китоб савдоси ташкил этилди, бу тадбирларга 8 минг нафар ўқувчи жалб қилинди.

— Бу дўкон Учтепада ягона, — дейди Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдо миллий ассоциацияси раиси Эркин Абдураҳмонов. — 500 дан ортиқ янги бадиий адабиёт ўрин олган мажмуада ўқувчилар китоб сотиб олиш билан бирга, шу ернинг ўзига мутолаа қилиш имкониятига эга.

1 минг 732 нафар ёш истикомат қиладиган “Бирлик” маҳалласида мутолаа эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган бирорта ҳам маскан йўқ эди. Ҳозир маҳаллада халқ кутубхонаси ташкил этилди.

— “Маърифат карвони”дан янги кутубхонамизга минг дон китоб совға қилинди, — дейди маҳалла оқсоқоли Собиржон Бўзиев. — Мутолаага иштиёқи баланд ёшларимиз учун бу зўр имконият. Китоб улашиш акцияси билан кутубхонамиз фондиди янада бойитиб, ўғил-қизларни китоб ўқишга рағбатлантириб бориш ниятидамиз.

197-умумтаълим мактабига “Маърифат карвони” доирасида 77 номдаги 500 та бадиий китоб топширилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Marcos Soft дастурчилар маркази билан ҳамкорликда ёшларга дастурлаш технологияларини ўргатиш ва малакали дастурчилар тайёрлаш мақсадида Учтепа туманида “Zako” лойиҳасини тақдим этмоқда.

ЎҚИШ ДАВРИ: ёз ойлари

ЎҚИШ БАҲОСИ: бепул

КИМЛАР ЎҚИЙДИ: барча қизиқувчилар


Неча нафар ёш қамраб олинади: 300 нафардан зиёд

ДАРС ЎТАДИ: Marcos Soft компанияси дастурчилари

ТАЛАБ ЭТИЛАДИ: математика фани ҳамда инглиз ва рус тилларини билиш

ЯКУНДА: саралаб олинган 20 нафардан зиёд истеъдодли ёшлар ўқини яна давом эттириш имкониятига эга бўлади. Улардан 7-8 нафари ташкилотчилар томонидан иш билан таъминланади

МУҲИМИ: мамлакатимиз меҳнат бозорига икки йиллик иш тажрибасига эга дастурчиларга ўртача 4-6 миллион сўм ойлик маош таклиф этилади



149-мактаб

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган биринчи ташаббуснинг амалий ижроси тумандаги 203-умумтаълим мактабидаги тадбирда ўз исботини топди.

Маданият вазири ҳамда Ёшлар иттифоқи томонидан мактабга 20 та доира, дутор, рубоб ҳамда 2 та фортепиано совға қилинди.

— Мактабимизда 1 минг 600 дан ортиқ ўқувчи икки сменада таҳсил олади, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Туланова. — 74 та тўғарак фаолият юритса-да, уларга малакали мутахассислар, мусиқа хоналари, жиҳозлари етишмасди. Энди бу муаммолар бартараф этилади. Ёшлар етакчиси мактабимизда бешта мусиқий тўрагак учун штат бирлигини очигна ваъда берди.



245-мактаб

Бугунга қадар туманда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун “Ёшлар маркази” мавжуд эмасди. Бундан ташқари, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бизнесга оид замонавий билимларни ўргатиш учун “Ёш тадбиркорлар” коворкинг марказини қуришга ер майдони ажратилмаётганиди.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида мутасаддилар 60 та маҳаллада уйма-уй юриб, беш мингдан ортиқ муаммони аниқлашга муваффақ бўлди. Эплик мингдан зиёд ёшлар орасида сўрономалар ўтказилиб, 102 нафар меҳнатга лаёқатсиз ҳамда 4 минг 823 нафар ишсиз ёшлар аниқланди.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредит ажратиш орқали 255 на-

Мухбирларимиз

44-, 74-, 287-, 238-мактабларга оптик талаши алоқа линиялари тортилди. Худудда “Рақамли технологиялар маркази” очилди. Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган марказ ёшлар учун имкониятлар эшигини очди. Бу ўқув маркази бир ой давомида 500 нафардан ортиқ ўқувчиларга компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника ва компьютер графикаси таълим хизматини кўрсатиш имкониятига эга.

Муассаса физика, математика, инглиз тили ҳамда АКТ соҳаларига ихтисослашган бўлиб, унда 300 нафар ўғил-қиз сабоқ олиши мумкин. Айни пайтда 150 нафар ўқувчи курсларга қабул қилинди. 10-11 — синф ўқувчилари математика, физика ва инглиз тили бўйича қабул қилинса, АКТ курсларига ёш чеклови йўқ.

— “Рақамли технологиялар маркази” — янги лойиҳа, — дейди Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори Музаффар Жалолов. — Бугун дастурлаш ва АКТ компьютер технологиялари бўйича махсус курсларни очямиз. Марказга Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар вазирлиги компьютер жижозларини тақдим қилган бўлса, Инха университети малакали мутахассислар ажратди. Лойиҳа синавдан ахли ўтса, уни республикамизнинг барча худудларида амаллаштирамиз.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH VAZIRLIGI TASARRUFIDAGI ABU ALI IBN SINO NOMIDAGI YOSH BIOLOGLAR VA KIMYOGARLAR IKTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB-INTERNATI



2019-2020-o'quv yili uchun yuqori malakali o'qituvchilar va iqtidorli o'quvchilar qabuli e'lon qilinadi

Respublikamizning barcha hududlaridan maktab-internatning 7-10-sinflariga (har bir sinfga 80 nafardan (40 nafar o'zbek, 40 nafar rus sinfga) jami 320 nafar iqtidorli o'quvchilar tanlov (test sinovi va suhbat) asosida qabul qilinadi.

Maktab-internatda umumiy o'rta ta'lim olish bepul, ta'lim-tarbiya jarayoni o'zbek va rus tillarida, shuningdek, bosqichma-bosqich ingliz tilida amalga oshiriladi. Har bir sinfda

O'quvchilar soni 20 nafarni tashkil etadi. O'quvchilarning yoshini inobatga olgan holda har bir sinf uchun botanika, zoologiya, matematika, biologiya, kimyo va ingliz tili fanlaridan tanlov uchun test savollari murakkablik darajasi davlat ta'lim standartlarini doirasida o'zbek va rus tillarida tayyorlanadi va maxfiylik ta'minlanadi.

Tanlov 2019-yil 5 - 15-avgustda o'tkazilishi rejalashtirilgan. Tanlovdan aniq vaqti, joyi tanlov o'tkazilishida kamida bir hafta oldin maktab-internatning rasmiy sayti — ibnsino-maktab.uz orqali e'lon qilinadi.

Tanlovda ishtirok etuvchi o'quvchilarga qo'yilgan asosiy talablar:

- 1) kimyo va biologiya fanlariga qiziqishi yuqori hamda ushbu fanlardan dastlabki bilim, ko'nikma va malakaga ega bo'lgan;
2) bilimlar bellashuvi, respublika va xalqaro fan olimpiadalarida ishtirok etgan, sovrinli o'rinlarni egallagan;
3) mustaqil tadqiqot ishi bilan shug'ullanishga va kelajakda olim yoki yetuk mutaxassis bo'lish xohish-istagi bo'lgan;
4) o'zbek va rus tillarini mukammal, xorijiy tili boshlang'ich bosqichini egallagan hamda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish malakasiga ega;
5) hayotga qat'iy ishonchi bo'lgan, keng dunyovqarashli va liderlik mahoratini rivojlantirishga intiluvchan;
6) o'z imkoniyatlarini namoyon etish va rivojlantirishga, kasb-hunar sirlarini o'rganishga istagi yuqori bo'lgan.

Tanlovda ishtirok etuvchi o'qituvchilarga qo'yilgan asosiy talablar:

- 1) oliy ma'lumotli, oliy toifali, istisno tariqasida 1-, 2-toifali, nutqi ravon, o'ziga talabchan, ijodkor va faol o'qituvchi, shuningdek, oliy ta'lim muassasasining professor o'qituvchisi;
2) o'quv fanining ilmiy-nazariy asoslari, mazmuni, amalda qo'llanilishi, dars tashkil qilish va o'tish metodikasini mukammal bilgan;
3) ta'lim-tarbiya jarayonini qiziqarli va samarali tashkil etish mahoratiga ega, kreativ yondashuvga moyilligi bo'lgan;
4) o'quvchilar bilimini baholashning zamonaviy tizimini bilgan va samarali tatbiq etish tajribasiga ega bo'lgan;
5) ilmiy tadqiqot ishlari bilan shug'ullanishga va kasbiy mahoratini takomillashtirish borishga xohish-istagi bo'lgan;
6) o'zbek va rus tillarini mukammal, xorijiy tilning boshlang'ich bosqichini egallagan va mustaqil axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishni bilgan.

O'quvchilar tomonidan tanlovda ishtirok etish uchun taqdim etiladigan hujjatlar:

- ota-onalarning maktab-internat direktori nomiga arizasi;
bolaning tug'ilganlik haqidagi guvohnomasi nusxasi;
bolaning 3 x 4 sm hajmdagi 4 dona rangli fotosurati;
umumta'lim maktab direktorining tavsifnomasi;
tuman, viloyat (shahar), respublika yoki xalqaro tanlovlarda g'olib bo'lganini isbotlovchi hujjatlarining nusxalari (diplom, faxriy yorliq va boshqa hujjatlar).

O'qituvchilar tomonidan taqdim etiladigan hujjatlar:

- vakolatli ta'lim muassasasining nomzod to'g'risidagi tavsifnomasi;
nomzod to'g'risida ma'lumotnoma (obyektivka);
nomzodning pasporti nusxasi;
nomzodning tarjimai holi (avtobiografiya);
nomzodning harbiylik guvohnomasi nusxasi;
nomzodning mehnat daftarchasi nusxasi;
nomzodning ma'lumot to'g'risidagi diplom nusxasi;
F-86 tibbiyot xulosasi.

Hujjatlar 2019-yil 1-iyundan 20-iyulgacha maktab-internatning rasmiy sayti ibnsino-maktab.uz orqali onlayn tarzda (hujjatlar skaner varianti 300 dpi, rangli tasvir va fayl hajmi 1 Mb dan ortib ketmasligi kerak) qabul qilinadi.

Qo'shimcha ma'lumotlar uchun telefon/telegram: (90) 943-70-02, (99) 722-78-99.

Nuqtayi nazar

KUNDUZI CHIROQ YOQIB TOPGANLARIMIZ...


Vazirlar Mahkamasining shu yil 9-apreldagi "Yo'l harakati qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga binoan kunning yorug' vaqtida barcha avtotransport vositalari yaqinni yorituvchi chiroqlarni yoki kunduzgi signal chiroqlarini yoqib harakatlanishi shart etib belgilangan keskin bahs-munozaralarga sabab bo'lmog'ida.

qilsin, chiroqlarni yoqay desa, yong'in chiqishidan qo'rqadi, yoqmay desa jarima kutib turibdi. Jarima ham kichik emas-da...

- Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 128-moddasiga ko'ra, tashqi yoritish asboblariidan foydalanish qoidalarini buzganlik uchun:
— birinchi marta — 101 ming 365 so'm;
— 1 yil ichida takroran — 202 ming 730 so'm;
— 2 marta dan keyin 1 yil ichida takroran — 608 ming 190 so'm;
— 3 marta dan keyin 1 yil ichida takroran — 810 ming 920 so'm jarima yoki olti oy muddatga transport vositasini boshqarish huquqidan mahrum etish jazolari qo'llaniladi.

Jarima miqdorini qayta ko'rib chiqish kerak. Axir bu xalqni talash bilan barobar. Qoidani hech kim xohlab buzmaydi — chiroqni yoqish yodidan ko'tarilishi, texnik nosozlik kuzatilishi mumkin. Puli bor odamga-ku, baribir, bunday vaqtda "yo'g'on — cho'ziladi, ingichka — uziladi".

Avtotransport hodisalarini birgina kunduzi mashinalarning chiroqini yoqib yurish bilan baham topmaydi. Jarimalar esa yo'llar ta'mirlanishi, tunda ko'chalardagi chiroqlarning porlab turishi, yo'l belgilari o'rnatilishi, yangi yo'l-ko'priklar qurilishiga sarflansa, maqsadga muvofiq bo'lardi.



Ma'lumot o'rinda: kunduzi avtomobil chiroqini yoqib yurish amaliyoti Yevropa va G'arbdagi qator davlatlarda mavjud. Bunga va mamlakatlarda ko'p kuzatiladigan bulutli va tumanli ob-havo sharoiti asos qilib ko'rsatiladi.

Qo'shni Qirg'iziston (2009-yil) va Qozog'istonda (2014-yil) ham shunday qoida joriy etilgan. Ma'lumotlarga ko'ra, bunga mahalliy aholi qarshi chiqqan. Shunga qaramay, bu mamlakatlarda qoida o'z kuchida saqlab qolingan.

Ro'ziqul OCHILOV

Qadriyat

Asl aytimlarni kuylaylik!

Ramazon — muqaddas ro'za oyi qirg'izdanda xabar beruvchi, har bir satriada shukronalik, hayotimizdan mamnunlik kayfiyati ufurib turgan marosim qo'shig'i. An'anaga ko'ra, hududlarda ro'za oyining dastlabki uch kunida yoki o'ttiz kun davomida o'g'il bolalar iftorlikdan keyin uyuma-uy yurib, ramazon o'g'ishlarini kuylaydi. Avvaliga xonadon sohiblarining yaxshi xislatlarini ulug'lovchi misralar o'rin oladi:

Ro'zaning uch kunini tutib keldik sizga, Ro'zaning zakotini bering bizga. Ro'za ham o'ttiz kunlik mehmondir, Ro'zani tutmaganlar yomondir.

XX asr o'rtalarida kuylangan ramazon qo'shiqlarida uy egalaringning olijanoblighi, mehmondostligi ta'rifi bilan. Ularga sihat-salomatlik tilab, fikrlashga undaydigan qiziqarli rivoyat, tildan-tilga ko'chgan hikoyatlar ham kiritilgan. Ayrim jumalarni anglash uchun aytuvchidan muayyan bilim talab etilgan. Unda asosan payg'ambarlar hayoti, qissa va hikoyatlar o'rin olgan:

Payg'ambarning o'n bir o'g'li bor edi, O'n biridan shoh Yusuf gulzor edi. Shoh Yusufni ovga olib chiqdilar, Choh(quduq)ga tashlab, bo'ri yedi dedilar.

Salom ayting Ali sher-u Xudoga, Salom ayting Muhammad Mustafoga. Ramazon aytgan bilan to'yamizmi, Burungning qad'a(odat)ini qo'yamizmi?

Xalq o'g'zaki ijodida ro'mol — oila, oila haqidagi orzu, o'y ramzi. Quyidagi misralarda buning isbotini ko'ramiz:

Uyingizning orqasida qo'yning izi, Mashhadi ro'mol tikar boyning qizi. Mashhadi ro'mol bordir belimizda, Ayta-ayta ketamiz biz yo'limizda.

E'tibor bersangiz, bu satrlarda beg'uborlik, samimiylik bor. Bolalar hech qanday iddaosiz, hech kimdan biron manfaat kutmasdan "muqaddas oy kirib keldi, suyunchi bering, suyunchi" deyayotganday quvonib aytganini ko'rish mumkin. Bugun-chi?

Zamonamiz "aytuvchi" ko'p hollarda pul ish-lash maqsadida ostona hatlaydi. Ota-onalar bu o'yning muqaddasligi, fazilati haqida tushuncha bermagan ko'rinadi:

O'choqda kul, Karmonda pul. Chiqara qoling Ming so'm pul...

Xalqimizning boy merosi, ota-bobolarimiz kuylagan go'zal folklor namunalarini bir chetda qolib, bunday qo'fi-yalarni kuylash — olma va o'riklar g'ara pishib turgan bog'da qoqi-yu turshak yeb o'tirishga o'xshaydi.

Qadimgi ramazon qo'shiqlari nihoyatda keng ma'no qamrab olgan. Ularda uy egalarga "qo'qchordek o'g'il", "ko'ngil guli — qiz" tilash kabi satrlar bor. Zamonaviy ramazon aytuvchilar xonadon egasi nimadir chson bersa, uni olib ko'p holatlarda indamasdan chiqib ketadi. Ayrimlar bir og'iz "rahmat" bilan cheklanadi. Vaholanki, asl ramazon qo'shiqlarida rahmatni ham she'rga solib aytishgan ekan:

Sim-sim tillo, sim tillo, Suvga solsa botmasin. Xudo bergan keng davlat Tepkilasa ketmasin.

Mustasar aytganda, ulug' o'yning muqaddas qo'shig'ini o'ynoqi, havoyi so'zlar bilan emas, ota-bobolarimizdan meros qolgan asl aytilar bilan kuylaylik. Zero, qadriyatlar va milliy an'analimizga hurmat ko'zi bilan qaramoq — har birimizning burchimiz.

Abdulaziz AHMEDOV

Bilasizmi?

Italiyaning "Monte dei Paschi di Siena" moliyaviy tuzilmasi dunyodagi eng "keksa" bank hisoblanadi. Hozir u 572 yoshda. O'zbekiston banklari ichida eng birinchi tashkil etilgan Xalq bankidir. Muassasa 144 yil oldin faoliyat boshlagan.

Manba: www.uz.uz

Publication footer containing contact information, editorial board, and subscription details.